



**KLINIK LABORATOR
DIAGNOSTIKADA INNOVATSION
TEXNOLOGIYALARDAN
FOYDALANISH, MUAMMOLAR VA
YECHIMLAR
xalqaro ilmiy-amaliy
anjuman
18 aprel 2023 yil**



O'zbekiston Respublikasi Sog'liqni saqlash vazirligi

WWW.SSV.UZ

Toshkent tibbiyot akademiyasi WWW.TMA.UZ

Mazkur to‘plamda Toshkent tibbiyot akademiyasining “Klinik laborator diagnostikada innovatsion texnologiyalardan foydalanish, muammolar va yechimlar” mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjuman materiallari kiritilgan.

To‘plamga kiritilgan materiallarning mazmuni va sifatiga muallif(lar) javobgar hisoblanadi.



Toshkent – 2023

Tahrir hay'ati

Shadmanov Alisher Kayumovich	Rektor, Tashkiliy qo'mita raisi
Bobomuratov Turdiqul Akramovich	Yoshlar masalalari va ma'naviy-ma'rifiy ishlar bo'yicha prorektor
Boymuradov Shuxrat Abdusalilovich	O'quv ishlari bo'yicha prorektor
Maruf Sakirovich Karimov	Davolash ishlari bo'yicha prorektor
Azizova Feruza Lyutpillaeva	Ilmiy ishlar va innovatsiyalar bo'yicha prorektor
Saidov Alonur Baxtinurovich	Gematologiya, transfuziologiya va laboratoriya ishi kafedrası mudiri
Babadjanova Shaira Agzamovna	Gematologiya, transfuziologiya va laboratoriya ishi kafedrası professori
Kurbonova Zumrad Chutbayevna	Gematologiya, transfuziologiya va laboratoriya ishi kafedrası dotsenti
Sayfutdinova Zuhra Abdurashidovna	Gematologiya, transfuziologiya va laboratoriya ishi kafedrası katta o'qituvchisi

Moderatorlar

Kurbonova Zumrad Chutbayevna	Gematologiya, transfuziologiya va laboratoriya ishi kafedrası dotsenti
Sayfutdinova Zuhra Abdurashidovna	Gematologiya, transfuziologiya va laboratoriya ishi kafedrası katta o'qituvchisi

ишлатилади. ТМБ НРР томонидан катализланиб, кўк рангли маҳсулот ҳосил қилади, у кислотали тўхташ эритмаси қўшилгандан кейин сариқ ранга ўзгаради. Сариқ бўяшнинг интенсивлиги планшетда олинган ПМЛ- эластаза намунаси микдорига тўғри пропорционалдир.

Таҳлилга кўрсатма:

- Сурункали бўғим яллигланиши.
- Бактериал инфекция, сепсис.
- Крон касаллиги диагностикаси.

Нормал ҳолатда микдорлари:

- Соғлом одамнинг нажасидаги ПМН-эластаза концентрацияси: (n76) < 62 нг/мл.
- Соғлом одамнинг плазмасидаги ПМН-эластаза концентрацияси (n 76) 19-78нг/мл.
- Соғлом одамнинг зардобидидаги ПМН-эластаза концентрацияси:(n 52) 186-1991 нг/мл.

Адабиётлар.

1. Парамонова Н. С. и др. Состояние эластаза-ингибиторной системы у детей в норме и при отдельных патологических состояниях. – 2017.
2. Рылова Н. В. Панкреатическая эластаза в диагностике функциональных и структурных изменений поджелудочной железы у детей //Практическая медицина. – 2018. – Т. 16. – №. 2. – С. 66-69.
3. Babadjanova Sh.A. va b. Laboratoriya ishi: o'quv qo'llanma. Toshkent, 2022. 140 b.
4. Kurbonova Z.Ch., Babadjanova Sh.A., Sayfutdinova Z.A. Laboratory work: study guide. Tashkent, 2023
5. Сайфутдинова З.А. ва б. Клиник лаборатор таҳлиллар учун биологик материал олиш қоидалари: ўқув - услубий қўлланма. Тошкент, 2023.

ФЕКАЛ ЗОНУЛИН ТАҲЛИЛИНИНГ АҲАМИЯТИ

Мирзаев А.И., Курбонова З.Ч.

Тошкент тиббиёт академияси

Нажасда зонулини аниқлаш турли касалликларда ичак деворининг ўтказувчанлигини ошириш белгиси сифатида баҳоланади. Ичак тўсиғи инсон танасида муҳим рол ўйнайди: организмнинг ички муҳитини ташқи агрессив экологик омиллардан ҳимоя қилади, ичакдан токсинлар ва патоген агентларнинг сўрилишини олдини олади; озуқа моддалари, из элементлари, суюқликларни ташишни таъминлайди; иммун ва эндокрин тизимларни тартибга солишда иштирок этади.

Зонулин тузилиши жихатидан вабо вибрионига ўхшаш оқсил бўлиб, у асосан жигарда синтезланади ва ичак деворининг ўтказувчанлигида иштирок этади, ичак эпителийсининг ҳужайралараро зич контактларига тескари таъсир қилади.

Зонулин концентрациясининг ошиши ичак тўсиғининг бузилишига ва антигенлар ва макромолекулаларнинг ичак девори орқали кириб боришига олиб келади. Аввало, бу таҳлил махсус ҳолатни аниқлаш учун ишлатилади – оқиш ичак синдроми (хорижий адабиётларда –leakygut). Бундан ташқари, овқат ҳазм қилиш тизимидан турли хил шикоятлар мавжуд бўлганда, турли хил жиддий, аутоиммун патологияларда ичак ўтказувчанлиги ҳолатини баҳолаш учун тадқиқот буюрилади – бу биринчи тип қандли диабет, ревматоид артрит, целиакия касаллиги, склероз.

Зонулин синтезини ошириш учун стимул озиқ - овқатда клейковина, баъзи озиқ-овқат кўшимчалари (эмулсификаторлар, микробиал трансклутаминаза), оддий углеводларнинг кўплиги, бактериал ичак инфекциялари бўлиши мумкин. Фекал зонулин тести маркернинг ичак концентрациясини акс эттиради.

Тадқиқотусули: иммунофермент таҳлил (ELISA). Ўлчов бирликлари: нг / мл. Таҳлил учун нажасдан фойдаланилади.

Таҳлилга тайёргарлик кўриш: нажасни йиғишдан олдин 72 соат ичида лаксатифлардан фойдаланишни, ректал шамларни, ёғларни киритишни истисно қилиш, ичак перисталтикасига таъсир қилувчи дори-дармонларни (belladonna, пилокарпин ва бошқаларни) ва нажас рангига таъсир қилувчи дориларни (темир, висмут, барий сульфат) чеклаш.

Таҳлилга кўрсатма: целиакия касаллиги диагностикаси, ичакнинг яллиғланиш касалликлари диагностикаси, 1-тур қандли диабет, Даун синдроми, аутоиммун тироидит, Тёрнер ва Уильямс синдромлари, селектив IgA етишмовчилиги, аутоиммун жигар касалликлари, целиакия касаллиги бўлган беморларнинг қариндошлари, аллергияк энтеропатия билан оғриган беморлар.

Нормал миқдорлари: катталар учун 83,15 нг/мл дан кам. 83,15 дан 110 нг/мл гача бўлса концентрациянинг ошиши деб талқин этилади, 110 нг/мл дан юқори кўрсаткичлар жуда юқори деб баҳоланади.

Адабиётлар.

1. Хавкин А.И., Богданова Н.М., Новикова В.Р. Зонулиннинг биологик роли ва уни ичак ўтказувчанлигини ошириш синдромининг биомаркери сифатида қўллаш самарадорлиги. Рос. вестн. перинатол. ва педиатр. 2021. №1. Б. 31-38.

2. Андреев Д.Н. Ошқозон-ичак трактининг функционал касалликлари генезисда ичак шиллиқ қаватининг ўтказувчанлиги бузилишининг роли. Б. 29-34

3. <https://www.smclinic-spb.ru/diagnostika-analizi/laboratoria/analiz-na-zonulin>

4. Babadjanova Sh.A. va b. Laboratoriya ishi: o'quv qo'llanma. Toshkent, 2022. 140 b.

5. Sayfutdinova Z.A. et al. Laboratory work: study guide. Tashkent, 2023

СУРУНКАЛИ БУЙРАК КАСАЛЛИГИ БИЛАН ОҒРИГАН БЕМОРЛАРДА САКУБИТРИЛ/ВАЛСАРТАН ПРЕПАРАТИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ

**Мирзаева Ш.Х., Максудова М.Х., Жуманазаров С.Б.
Тошкент тиббиёт академияси, Ўзбекистон**